

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХУСАНОВ САРДОРБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИДА КУЗГИ
БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИЛАДИГАН СОЯНИНГ ЯНГИ
НАВЛАРИНИ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ЎРГАНИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

УЎТ: 633.11:633.853.52:631.587:631.521

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Хусанов Сардорбек Олимжонович

Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқларида кузги буғдой ва такрорий
экиладиган соянинг янги навларини суғориш тартибини
ўрганиш.....5

Хусанов Сардорбек Олимжонович

Изучение режима орошения новых сортов озимой пшеницы и повторно
сеющейся сои на луговых почвах Андижанской области.....21

Husanov Sardorbek Olimjonovich

Studying the proper irrigation for new sorts of autumnal wheat and soyabean under
the virgin lands of Andijan region.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХУСАНОВ САРДОРБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИДА КУЗГИ
БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИЛАДИГАН СОЯНИНГ ЯНГИ
НАВЛАРИНИ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ЎРГАНИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx199 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.psuayiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсиев Акмал Садирдинович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Норкулов Усманкул

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ҳасанов Махсуд Марифович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:


Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.


Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг «25» 05 2021 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (108 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2021 йил « 3 » 05 да тарқатилди.
(2021 йил « 3 » 05 даги _____ рақамли реестр баённомаси)




Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор


Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Дунё бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат хафсизлигини таъминлашда суғориш сувларининг ўрни бекиёсдир. Мавжуд чучук сув захираларининг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Шунингдек, умумий экин ер майдонининг 20 фоизи суғорма деҳқончилик улушига тўғри келади ва етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи суғориладиган ерлардан олинади. Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё бўйича дон ишлаб чиқариш кўрсаткичи мисли кўрилмаган даражага ёки 2019 йилга нисбатан 2,6 фоизга ошиши кутилмоқда. Шунингдек, мойли экинлардан олинadиган ялпи ҳосил эса дунё аҳолиси эҳтиёжи ҳажмида етиштирилиши прогноз қилинмоқда¹». Буғдой ва соядан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда суғориш тартибларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёда буғдой ва соя экинлари етиштирувчи аксарият мамлакатларда дон ҳосилдорлиги ва сифати ушбу экинларни етиштиришда суғориш муддатлари ва меъёрларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Кузги буғдой ва соя навларини суғориш меъёрлари ва муддатларини тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўсимликнинг физиологик талабига қараб тўғри белгилаш олинadиган дон ҳосили миқдори ва сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, кузги буғдой ва соя навларидан кафолатланган дон ҳосили етиштиришга йўналтирилган илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда турли тупроқ-иқлим шароитларга мос кузги буғдой ва такрорий экиладиган соя навларини тўғри танлаш ҳамда ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори кузги буғдой ва такрорий экишга мос бўлган соя навларини етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ва қўллаш натижасида юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва рурсурларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланган². Шундан келиб чиқиб, Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва соянинг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бу борада дала тажрибалари олиб бориш ва илмий хулосалар бериш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон қарори «2017-2021 йилларда республикада соя экишни ташкил этиш ва дуккакли экинлар етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30

¹<https://www.worldbank.org/en/topic/water-in-agriculture>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

сентябрдаги “2020 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари навларини жойлаштириш ва бошоқли дон етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 831-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кузги буғдойнинг янги яратилган навларини турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш борасида республикада А.Аманов, Р.Сиддиқов, Р.Тиллаев, Н.Халилов, Х.Атабаева, М.Хамидов, Б.Холиқов, О.Аманов, М.Авлияқулов, С.Абдурахмонов, Т.Жалолов, Б.Азизов, А.Дехқонов, И.Эгамов, К.Жўраев каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар амалга оширилган.

Шунингдек, соянинг янги навлари агротехнологияларини ишлаб чиқиш, янада такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича республикада Қ.Мирзажонов, Д.Ёрматова, М.Маннопова, Б.Холиқов, Р.Тиллаев, А.Исашов, Ф.Намозов, У.Норкулов, М.Тожиев, Н.Ўразматов, А.Иминовлар томонидан илмий ишлар олиб борилган.

Хорижда В.И.Городничев, И.А.Костоварова, В.Г.Насонов, А.Абиров, Sh.Zia, Du.Wenyong, W.Spreer, K.Spohrer, He.Xionkui, J.Muller, Li J, Inanaga, H.G.Jones, B.B.Silva, J.Chen, R.A.Fischer каби олимлар томонидан илмий ишлар олиб борилган.

Лекин, Андижон вилоятининг ўтлоқи, шўрланмаган, сизот сувлари яқин жойлашган тупроқларида кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг янги навларини етиштириш ва уларнинг суғориш тартиблари бўйича етарли даражада илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқотлар мавзу режасининг №МВ-А-ҚХ–2018–204 «Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экилган дуккакли дон ҳамда мойли (соя, кунгабоқар) экинларни тежамкор суғориш тартиби ва самарали парваришlash технологиясини ишлаб чиқиш» (2018–2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий муддатда парваришланган соянинг янги навларининг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат;

кузги буғдой ва соя навларининг турли суғориш тартибларида парваришланганда тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой ва соя навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрларини ишлаб чиқиш;

кузги буғдой ва соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва 1 центнер дон ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув сарфини аниқлаш;

суғориш тартибларининг кузги буғдой ва соя навлари дон сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой ва соя навларини турли суғориш тартибларида етиштиришнинг иқтисодий самардорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари, кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари ва соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқнинг агрохимёвий, агрофизикавий хоссалари, суғориш тартиблари, сув сарфи, сув истеъмоли кузги буғдой ва такрорий муддатда экилган соянинг ўсиш-ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ўсимликнинг биометрик ўлчовлари, ўсимлик намуналари, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубномалари асосида ўтказилган. Кузги буғдой ва соя ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услубидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

илк бор Андижон вилоятининг сизот сувлари сатҳи 1,5-2 метрда жойлашган ўтлоқи тупроқларида кузги буғдойнинг “Таня”, “Калым”, “Вершина”, “Андижон-4” навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75% тартибда 1-2-1 тизимда ва такрорий муддатда экилган соянинг “Тўмарис” ва “Ойжамол” навларини 70-75-65% тартибда 1-2-1 тизимда суғориш ўтказиш мақбул эканлиги аниқланган;

турли суғориш тартибларида кузги буғдойнинг сув истеъмоли аниқланиб, бир центнер дон ҳосили етиштириш учун сарфланган энг кам сув сарфи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Вершина” навида 58,4 м³/ц, “Калым” навида 58,5 м³/ц, “Андижон-4” навида 59,6 м³/ц ни бўлиши аниқланган;

турли суғориш тартибларида такрорий экин сифатида парваришланган соянинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда бир центнер дон ҳосили етиштириш учун сарфланган энг кам сув сарфи “Тўмарис” навида 81,3 м³/ц, “Ойжамол” навида 86,4 м³/ц ни ташкил этганлиги аниқланган;

суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан кузги буғдойда 75-75-75% бўлганда “Таня”, “Вершина”, “Калым”, “Андижон-4” навларининг ўсув даври давомида ва охирида поя баландлиги, маҳсулдор поялар сони, бошоқ узунлиги, бир бошоқдаги донлар сони, 1000 дон дон оғирлиги, дон ва сомон ҳосили, дони таркибидаги клейковина ва оксил миқдори ошганлиги аниқланган;

суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан сояда 70-75-60% бўлганда соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларининг ўсув даври давомида ва охирида поя баландлиги, ҳосил шохлар сони, барг сони, 1 та ўсимликдаги дуккак сони, 1 та дукакдаги уруғ сони, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни, 1000 дон уруғ вазни, дон ҳосили ва мой миқдори ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% тартибда суғорилганда юқори ҳосил олинган жумладан, Таня навидан ўртача 66,0 ц/га, Вершина навидан 69,5 ц/га, Калым навидан 69,2 ц/га, Андижон-4 навидан 67,2 ц/га дон ҳосили олишга эришилди;

Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% тартибда суғорилганда юқори ҳосили олинган жумладан, Тўмарис навидан ўртача 26,8 ц/га ва Ойжамол навидан 27,0 ц/га дон ҳосили олишга имконият яратилди;

Кузги буғдой ва соя навларининг сув истеъмоли аниқланиб, бир центнер дон ҳосили етиштириш учун сарфланган энг кам сув сарфи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Вершина” навида 58,4 м³/ц, “Калым” навида 58,5 м³/ц, “Андижон-4” навида 59,6 м³/ц ни, такрорий экин сифатида парваришланган соянинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда “Тўмарис” навида 81,3 м³/ц, “Ойжамол” навида 86,4 м³/ц ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг Республика ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, ҳар йили тайёрланган ҳисоботлар Услубий ва Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг янги навларини агротехнологиялари бўйича тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг маҳаллий ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинганлиги, шунингдек, Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти, Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари суғориш тартибларини тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларининг ўзгаришлари динамикаси, кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг янги навлари ўсиш-ривожланиши, дон сифат кўрсаткичлари, ҳосилдорлигига таъсири ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари илмий томондан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари суғориш тартибларини илмий томондан ишлаб чиқиши ва ушбу такомиллаштирилган агротехнология кенг жорий этилиши натижасида фермер хўжаликлари майдонларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий муддатда парваришланган соянинг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

кузги буғдой ва такрорий муддатларда сояни етиштириш учун “Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқларида такрорий экиладиган соянинг янги навларини мақбул суғориш тартиблари бўйича” тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 02/020-1768-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Андижон вилояти шароитида агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари ва такрорий муддатда соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларини етиштириш бўйича қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75% ҳамда такрорий муддатда экилган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари 70-75-65% тартибда суғориш технологиялари Андижон вилояти Андижон ва Избоскан туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 02/020-1768-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликлари экин майдонларида тупроқда мақбул намлик тартиби яратилиб, бир марта кам суғориш ҳисобига 450-500 м³/га суғориш сувлари тежалган ҳамда 76,3 ц/га кузги буғдой ва 22,3 ц/га соя дони ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдой навларини ўсув даврида 1-2-1 тизимда ва мавсум давомида гектарига ўртача 2250-2380 м³ меъёрларда суғориш тартиблари Андижон туманидаги “Ахмадали”, “Сойгузар кўрки”, “Сокин булоқ” фермер хўжаликларида 228 гектар ва Избоскан туманидаги “Бойтўра ҳосил барака”, “Избоскан иқтидор ишонч”, “Пойтуғ порлоқ келажаги”, “Хурсанбек сабр келажаги”, “Асронов Элмурод умиди” фермер хўжаликларида 178 гектар жами

406 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18-июндаги 02/020-1768-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида мазкур фермер хўжаликларида гектаридан 400 м³ сув тежалган, кузги буғдой дон ҳосили гектарига ўртача 74,4-76,3 центнерни ташкил этган;

такрорий муддатларда экилган соя навларини ўсув даврида 1-2-1 тизимда ва мавсум давомида гектарига ўртача 2150-2270 м³ меъёрларда суғориш тартиблари Андижон туманидаги “Улуғбек илғор даласи”, “Нихол”, “Оқ олтин орзуси замини”, “Хасанбой соҳиби”, “Валихон кенг даласи” фермер хўжаликларида 33,6 гектар ва Избоскан туманидаги “Избоскан имкон замини”, “Чувама келажаги”, “Мирзасултон хожи” фермер хўжаликларида 26,9 гектар жами 60,5 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18-июндаги 02/020-1768-сон маълумотномаси). Натижада ушбу фермер хўжаликларида гектаридан 500 м³/га сув тежалган, 22,3-21,8 центнергача соя дони ҳосили олиш икониёти яратилган ва рентабеллик даражаси 98,4 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ҚХООИИЧМ ва ПСУЕАИТИнинг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги ўтказилган жами 9 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7-боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарбли ва зарурати, асосланганлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ахамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кузги буғдой ва такрорий экиладиган соянинг янги навларини мақбул суғориш тартибини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича

олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шунинг билан бир қаторда, кузги буғдой ва сояни жаҳон мамлакатларида экиладиган майдони, ҳосилдорлиги, навлари, навларининг биологик хусусиятлари, улурнинг ўсув фазалари бўйича сувга бўлган талаби, турли иқлим-тупроқ шароитларида етиштирилган соя навларининг суғориш тартиблари бўйича маълумотлар келтирилган. Адабиётлар шарҳининг ҳулоса қисмида Андижон вилоятининг ўтлоқи, сизот сувлари яқин жойлашган ерларида кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган сояни янги навларининг суғориш тартиблари сувга бўлган талаби, суғориш тартиблари ўсув даврининг давомийлиги суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги ҳосилдорлиги ва уларнинг иқтисодий самародорлиги ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган Андижон вилоятининг тупроқ-иқлим шароити, тажриба ўтказиш тизими ва фенологик кузатувлар ўтказиш услублари, лаборатория таҳлилларини ўтказиш услублари, биометрик кузатувлар ва кузги буғдой ва соя навларининг биологик тавсифлари ва кузги буғдой ва такрорий экин сифатида соя навларини парваришида агротехник тадбирлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссалари» деб номланган учинчи бобида ўтлоқи бўз тупроқларнинг дастлабки агрохимёвий тавсилоти бўйича ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) кузги буғдой тажриба даласида гумус миқдори тегишлича 0,982 ва 0,686%, ялпи азот 0,095 ва 0,066 %, умумий фосфор 0,152 ва 0,084%ни, соя тажриба даласида гумус миқдори тегишлича 0,800 ва 0,621%, ялпи азот 0,074 ва 0,057 %, умумий фосфор 0,105 ва 0,081% ни ташкил этиб, тажриба далалари тупроқлари гумус билан ўртача, азот, фосфор ва калий билан кам даражада таъминланган.

Кузги буғдой тажриба даласи тупроғининг ўртача уч йиллик ҳажм массаси кўрсаткичлари амал даври бошида 0-50 см тупроқ қатламида 1,291 г/см³ ни, 0-70 см тупроқ қатламида 1,296 г/см³ ни, 0-100 см тупроқ қатламида 1,308 г/см³ ни, такрорий экин сифатида парваришланган сояда эса тегишлича 1,301 г/см³, 1,314 г/см³, 1,331 г/см³ ни ташкил этган (1 ва 2 расм).

Кузги буғдойнинг амал даври охирида тупроқнинг 0-50; 0-70 ва 0-100 см қатламларида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70% белгиланган вариантларда тегишлича 1,316 г/см³, 1,321 г/см³ ва 1,331 г/см³ ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75% белгиланган вариантларда тегишлича 1,347 г/см³, 1,345 г/см³ ва 1,351 г/см³ ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-80% белгиланган вариантларда тегишлича 1,370 г/см³, 1,366 г/см³ ва 1,372 г/см³ ни ташкил этди. Такрорий экин сифатида парваришланган сояда эса тегишлича суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65% белгиланган вариантларда 1,330 г/см³, 1,336 г/см³ ва 1,342 г/см³ ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда тегишлича 1,349 г/см³, 1,360 г/см³ ва 1,358 г/см³ ни,

суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-80-70% белгиланган вариантларда тегишлича 1,370 г/см³, 1,381 г/см³ ва 1,381 г/см³ ни ташкил этди.




1-расм. Кузги буғдой тажриба даласининг амал даври боши ва охиридаги тупроқнинг ҳажм оғирлиги, г/см³ (2017-2020 йй).




2-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг амал даври боши ва охирида тупроқнинг ҳажм оғирлиги, г/см³ (2017-2019 йй).

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида кузги буғдой амал даври бошида 951,9 м³/га ни, амал даври охирида эса 842,9; 803,1 ва 741,0 м³/га ни, сояда эса амал даври бошида 924,9 м³/гани амал даври охирига эса 770,8; 701,2 ва 662,7 м³/га ни ташкил қилган (3 ва 4 расмлар). Тупроқнинг сув ўтказувчанлик хусусияти амал даври бошидан охирига ва кузатувнинг биринча соатидан кейинги соатларга қараб камайиб борганлиги аниқланди.



3-расм Кузги буғдой тажриба даласи тупроқининг сув ўтказувчанлиги, м³/га (2017-2020 йй).



4-расм. Соя тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги, м³/га (2017-2019 йй).

Кузги буғдой тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сифими уч йилда ўртача тупроқнинг 0-100 см қатламида 21,0-20,7 % ни, соя тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сифими уч йилда ўртача 21,1-20,6 % ни ташкил этиб, амал даври давомида барча суғоришлар ЧДНСга нисбатан олиб борилган.

Диссертациянинг «Кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг мақбул суғориш тартиби ва даланинг сув мувозанати» деб номланган тўртинчи бобида ўрганилган кузги буғдой ва соя навларини суғоришда олдиндан белгиланган дастурга мувофиқ суғориш олди тупроқ намлиги тартибига ЧДНСга нисбатан амал қилинди ва фарқ ±0,1-1,5% дан ошмади.

Кузги буғдой навлари 2017-2020 йиллардаги тадқиқотларимизда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70 % намлик тартибида 1-1-1 тизимда 3 маротаба суғорилган. Суғориш меъёри найчалашгача 552 м³/га, бошоқлаш – ҳосил тўплаш даврида 747 м³/га, пишиш даврида 553 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 1852 м³/га ни ташкил этган, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75 % намлик тартибида 1-2-1 тизимда 4 маротаба суғорилган. Суғориш меъёри найчалашгача 463 м³/га, бошоқлаш – ҳосил тўплаш даврида 1260 м³/га, пишиш даврида 464 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 2187 м³/га ни ташкил этган, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-80 % намлик тартибида 1-3-1 тизимда 5 маротаба суғорилган. Суғориш меъёри найчалашгача 354 м³/га, бошоқлаш – ҳосил тўплаш даврида 1534 м³/га, пишиш даврида 365 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 2253 м³/га ни ташкил этган.

Соя навлари 2017-2019 йиллардаги тадқиқотларимизда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65 % намлик тартибида 1-1-1 тизимда 3 маротаба суғорилган. Суғориш меъёри гуллашгача 543 м³/га, дуккаклаш – ҳосил тўплаш даврида 669 м³/га, пишиш даврида 547 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 1758 м³/га ни ташкил этган, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % намлик тартибида 1-2-1 тизимда 4 маротаба суғорилган. Суғориш меъёри гуллашгача 478 м³/га, дуккаклаш – ҳосил тўплаш даврида 1115 м³/га, пишиш даврида 546 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 2139 м³/га ни ташкил этган, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-80-70 % намлик тартибида 1-2-2 тизимда 5 маротаба суғорилган. Суғориш


меъёри гуллашгача 402 м³/га, дуккаклаш – ҳосил тўплаш даврида 885 м³/га, пишиш даврида 959 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 2247 м³/га ни ташкил этган.

Кузги буғдойда 1 ц донга сарфланган умумий сув миқдори бўйича энг кам кўрсаткич суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 75-75-75% белгиланган вариантларда “Таня” навида 63,3 м³/га, “Вершина” навида 58,4 м³/га, “Калым” навида 58,5 м³/га, “Андижон-4” навида 59,6 м³/га ни ташкил этган. Сояни 1 ц донга сарфланган умумий сув миқдори бўйича энг кам кўрсаткич суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда “Тўмарис” навида 81,3 м³/га, “Ойжамол” навида 86,4 м³/га ни ташкил этган.

Кузги буғдой ва соя навлари бўйича суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал ва мавсумий суғориш меъёрлари диссертацияда батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Кузги буғдой навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиши, ривожланиши ҳосилдорлиги ва сифати**» деб номланган бешинчи бобида кузги буғдойнинг ўрганилган навларида ЧДНСга нисбатан 70-70-70% ва 75-75-75 % суғориш тартибларига нисбатан 80-80-80% да пишиш даврида поя баландлиги тегишлича 6,3-3,3 см га ва умумий поялар сони юқори бўлиши, маҳсулдор поялар сони эса камайганлиги кузатилган.

Диссертациянинг «**Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги кузги буғдой навларининг ҳосил структурасини ўзгариши**» деб номланган бўлимида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг Таня навини бошоқ узунлиги 7,1 см, бир бошоқдаги донлар 39,8 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,36 г, 1000 дона дон оғирлиги 37,3 г, Вершина навини бошоқ узунлиги 7,6 см, бир бошоқдаги донлар 41,5 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,45 г, 1000 дона дон оғирлиги 40,8 г, Калым навини бошоқ узунлиги 7,5 см, бир бошоқдаги донлар 43,1 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,43 г, 1000 дона дон оғирлиги 41,3 г ва Андижон-4 навини бошоқ узунлиги 7,4 см, бир бошоқдаги донлар 40,8 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,41 г, 1000 дона дон оғирлиги 41,6 г ни ташкил қилганлиги аниқланган (5-расм).



5-расм. Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги кузги буғдой навларининг ҳосил структурасини ўзгариши (2017-2020 йиллар ўртача)

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг Таня навини бошоқ узунлиги 8,3 см, бир бошоқдаги донлар 42,1 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,42 г, 1000 дона дон оғирлиги 38,2 г ни, Вершина навини бошоқ узунлиги 8,7 см, бир бошоқдаги донлар 45,2 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,47 г, 1000 дона дон оғирлиги 42,2 г ни, Калым навини бошоқ узунлиги 8,8 см, бир бошоқдаги донлар 45,8 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,46 г, 1000 дона дон оғирлиги 42,4 г ни, Андижон-4 навини бошоқ узунлиги 8,6 см, бир бошоқдаги донлар 45,1 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,44 г, 1000 дона дон оғирлиги 43,2 г ни ташкил қилганлиги аниқланган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг Таня навини бошоқ узунлиги 8,2 см, бир бошоқдаги донлар 40,4 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,36 г, 1000 дона дон оғирлиги 35,3 г ни, Вершина навини бошоқ узунлиги бошоқ узунлиги 7,8 см, бир бошоқдаги донлар 44,1 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,45 г, 1000 дона дон оғирлиги 39,1 г ни, Калым навини бошоқ узунлиги 7,8 см, бир бошоқдаги донлар 44,3 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,44 г, 1000 дона дон оғирлиги 41,8 г ни, Андижон-4 навини бошоқ узунлиги 7,6 см, бир бошоқдаги донлар 44,1 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,43 г, 1000 дона дон оғирлиги 42,1 г ни ташкил қилганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги кузги буғдой навлари донининг сифат кўрсаткичларининг ўзгариши**» деб номланган бўлимида кузги буғдой навларининг дони таркибидаги клейковина миқдорлари ўрганилганда (2017-2020 йй ўртача) суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70 % белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Таня” навида клейковина 27,4%, оқсил 14,5% ни , “Вершина” клейковина 28,1%, оқсил 15,3% ни , “Калым” клейковина 27,9%, оқсил 14,8% ни, “Андижон-4” навида эса клейковина 28,4%, оқсил 15,9% ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 % белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Таня” навида клейковина 26,3%, оқсил 14,1% ни , “Вершина” клейковина 26,5%, оқсил 14,8% ни , “Калым” клейковина 26,3%, оқсил 14,9% ни, “Андижон-4” навида эса клейковина 27,3%, оқсил 14,9% ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Таня” навида клейковина 24,4%, оқсил 12,9% ни , “Вершина” клейковина 24,5%, оқсил 13,5% ни , “Калым” клейковина 25,4%, оқсил 13,7% ни, “Андижон-4” навида эса клейковина 25,9%, оқсил 14,2% ни ташкил қилганлиги кузатилган. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% да белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг ўрганилган навларидан энг юқори миқдорда оқсил ва клейковина тўпланиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги кузги буғдой навларининг дон ва сомон ҳосилдорлиги**» деб номланган бўлимида


тадқиқот ўтказилган йилларда тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70 фоиз даражасида бўлган биринчи вариантда кузги буғдойнинг Таня навидан 2017 йил, 2018 йил ва 2019 йилларда тегишлича 59,4,

61,3, 61,9 ц/га, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 фоиз даражасида бўлган иккинчи вариантда 65,3, 65,3, 67,4 ц/га, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80 фоиз даражасида бўлган учинчи вариантда 62,9, 60,2, 63,2 ц/га дон ҳосили олинганлиги аниқланган.

Кузги буғдойни суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70 фоиз даражасида бўлган биринчи вариантда кузги буғдойнинг Таня навидан 2017 йил, 2018 йил ва 2019 йилларда тегишлича 70,4, 72,2, 72,9 ц/га, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 фоиз даражасида бўлган иккинчи вариантда 76,6, 76,6, 78,6 ц/га, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80 фоиз даражасида бўлган учинчи вариантда 81,3, 78,6, 81,7 ц/га сомон ҳосили олинганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифати**» деб номланган олтинчи бобида соянинг ўрганилган навларида ЧДНСга нисбатан 65-70-65% ва 70-75-65 % суғориш тартибларига нисбатан 75-80-70% да пишиш даврида пая баландлиги тегишлича 11,7-7,0 см га, ҳосил шохи 0,5-0,1 юқори бўлиши кузатилган.

Диссертациянинг «**Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларини суғориш тартибларини ҳосил элементларига таъсири**» деб номланган бўлимида соянинг Тўмарис нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 29,8 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 1,9 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 58,0 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 6,6 г, 1000 дона уруғ вазни 117,4 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 32,6 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 2,3 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 72,2 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 9,2 г, 1000 дона уруғ вазни 123,1 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-75 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 30,8 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 2,1 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 70,1 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 7,8 г, 1000 дона уруғ вазни 120,7 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 29,0 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 1,8 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 53,7 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 6,6 г, 1000 дона уруғ вазни 126,3 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 32,2 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 2,2 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 66,8 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 9,4 г, 1000 дона уруғ вазни 132,4 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-75 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 29,7 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 2,1 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 66,1 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 7,9 г, 1000 дона уруғ вазни 130,2 г ни ташкил этди (6-расм).



6-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларини суғориш тартибларини ҳосил элементларига таъсири (2017-2019 йй, ўртача)

Соянинг Ойжамол нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 29,0 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 1,8 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 53,7 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 6,6 г, 1000 дона уруғ вазни 126,3 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 32,2 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 2,2 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 66,8 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 9,4 г, 1000 дона уруғ вазни 132,4 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-75 % белгиланган вариантларда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 29,7 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 2,1 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 66,1 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 7,9 г, 1000 дона уруғ вазни 132,2 г ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларини суғориш тартибларининг дон ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган бўлимида тадқиқот ўтказилган йилларда соянинг “Тўмарис” ва “Ойжамол” навларидан энг юқори дон ҳосили суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантларда 27,8-26,5 ц/га олинди. Энг паст миқдордаги дон ҳосили соянинг иккала навида ҳам суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % белгиланган вариантларда 20,2-19,8 ц/га олинди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-75 % белгиланган вариантларда дон ҳосили иккала навда 23,6-22,7 ц/га ни ташкил қилди ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантларга нисбатан соянинг Тўмарис нави 4,2 ц/га, Ойжамол нави 3,8 ц/га кам дон ҳосили шаклланганлиги кузатилган.

Диссертациянинг «**Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларини суғориш тартибларининг мой миқдorigа таъсири**» деб номланган бўлимида соя навлари дони таркибидаги мой миқдори суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65% белгиланган вариантларда “Тўмарис” ва “Ойжамол” навлардан тегишлича 24,6-22,6 % суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда 25,4-23,4%, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70% белгиланган вариантларда 24,7-22,8% ни ташкил қилганлиги кузатилган. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% да белгиланган вариантларда соянинг ўрганилган навларидан энг юқори миқдорда мой тўпланиши аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба даласида такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг мой миқдори % (2017-2019 йй)

Навлар	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, %	Йиллар бўйича мой миқдори, %.			Ўртача
		2017	2018	2019	
Тўмарис	65-70-65	24,3	24,7	24,8	24,6
	70-75-65	25,2	25,6	25,4	25,4
	75-80-70	24,7	24,8	24,6	24,7
Ойжамол	65-70-65	22,6	22,5	22,8	22,6
	70-75-65	23,4	23,3	23,5	23,4
	75-80-70	22,9	22,7	22,7	22,8

Диссертациянинг «Кузги буғдой ва такрорий экин соя навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба натижалари» деб номланган еттинчи бобида кузги буғдойни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 % ва такрорий экин сифатида парваришланган соя навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантларда иқтисодий самарадорлик юқори бўлиши ва рентабеллик ортгани аниқланган.

Диссертациянинг «Турли суғориш тартибларида парваришланган кузги буғдой навларининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бўлимида кузги буғдой навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% да парваришланган 1 вариантда кузги буғдойнинг “Таня” нави энг кам 39,4% рентабеллик кўрсатди. Кузги буғдойнинг “Вершина” “Калым” ва “Андижон-4” навларида тегишлича 52,0%, 50,1% 46,8% рентабелликка эришилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% да парваришланган 2 вариантда ҳам кузги буғдойнинг “Таня” нави энг кам 50,5% рентабеллик кўрсатди. Кузги буғдойнинг “Вершина” “Калым” ва “Андижон-4” навларида тегишлича 58,5%, 57,9% 53,3% рентабелликка эришилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% да парваришланган 3 вариантда ҳам кузги буғдойнинг “Таня” нави энг кам 40,9% рентабеллик кўрсатди. Кузги буғдойнинг “Вершина” “Калым” ва “Андижон-4” навларида тегишлича 53,0%, 49,6% 47,1% рентабелликка эришилганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Турли суғориш тартибларида такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бўлимида соянинг навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65% да парваришланган 1 вариантда соянинг “Тўмарис” ва “Ойжамол” навлари энг кам 48,2%, 45,1% рентабелликка эришилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да парваришланган 2 вариантда ҳам соянинг “Тўмарис” ва “Ойжамол” навлари 98,4%, 91,6% рентабеллик эришилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 85-80-70% да парваришланган 3 вариантда ҳам соянинг “Тўмарис” ва “Ойжамол” навлари 68,2%, 61,9% рентабеллик эришилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тажриба даласи тупроғи оғир механик таркибли ўтлоқи тупроқ бўлиб, сизот сувлари 1,7-2,0 м пастда жойлашган, гумус билан ўртача, азот, фосфор ва калий билан кам даражада таъминланганлиги аниқланди. Тупроқнинг ЧДНС кузги буғдой тажриба майдонида 0-100 см тупроқ қатламида 20,9%, соя тажриба майдонида 20,6 % ни, тупроқнинг хажм массаси амал даври бошида кузги буғдой тажриба майдонида 0-50, 0-70 ва 0-100 см ли тупроқ қатламларида 1,291, 1,296 ва 1,308 г/см³ га, соя тажриба майдонида эса 1,303, 1,314 ва 1,331 г/см³ тенглиги аниқланди.

2. Тупроқнинг ғоваклик хусусияти кузги буғдой ва соя навларидан қатий назар белгиланган суғориш олди тупроқ намликларини кузги буғдойда ЧДНС га нисбатан 70-70-70% дан 75-75-75% ва 80-80-80% гача, сояда 65-70-

65% дан 70-75-65% ва 75-80-70% гача ортиши билан тупроқнинг 0-50 см қатламида буғдойда амал даври бошида 52,24% ни, амал даври охирида эса 51,19; 50,11 ва 49,24% ни, сояда амал даври бошида 51,36% ни, амал даври охирида эса 48,42; 48,09 ва 47,73% ни ташкил этди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида кузги буғдойнинг амал даври бошида 951,9 м³/га, ни амал даври охирида эса 842,9; 803,1 ва 741,0 м³/га, сояда эса амал даври бошида 924,9 м³/гани, амал даври охирига эса 770,8; 701,2 ва 662,7 м³/га камайганлиги аниқланди.

3. Белгиланган суғориш олди тупроқ намликларини кузги буғдойда ЧДНС га нисбатан 70-70-70% дан 75-75-75% ва 80-80-80% гача, сояда 65-70-65% дан 70-75-65% ва 75-80-70% гача ортиши билан суғориш меъёрини камайиб бориши, мавсумий суғориш меъёрини эса ортиб бориши аниқланди. Экинларини суғориш тизимлари буғдой ва соя навларида белгиланган суғориш олди тупроқ намликларида буғдойда 1-1-1; 1-2-1 ва 1-3-1 ни, сояда 1-1-1; 1-2-1 ва 1-2-2 ни ташкил қилди. Мавсумий суғориш меъёри буғдойда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% бўлганда (3 йилда ўртача) 1852 м³/га, 75-75-75% бўлганда 2187 м³/га ва 80-80-80% бўлганда 2253 м³/га ни, сояда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65% бўлганда (3 йилда ўртача) 1758 м³/га, 70-75-65% бўлганда 2139 м³/га ва 75-80-70% бўлганда 2247 м³/га ни ташкил қилди.

4. Суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан кузги буғдойда 75-75-75%, сояда 70-75-65% бўлганда ҳосил элементларининг шаклланиши учун мақбул эканлиги кузатилиб, кузги буғдойда назорат Таня навига нисбатан бошоқ узунлиги, бир бошоқдаги донлар сони, бир бошоқдаги донлар оғирлиги, 1000 дон дон оғирлиги кўрсаткичлари бўйича Вершина навида тегишлича 0,5 см, 3,1 дон, 0,05 г, 4,0 г га, Калым навида 0,5 см, 3,7 дон, 0,04 г, 4,2 г га, Андижон-4 навида эса 0,3 см, 3,0 дон, 0,02 г, 1,1 г га юқори бўлганлиги, такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис навини ЧДНСга нисбатан 70-75-65% тартибда суғорилганда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 32,6 донани, дон сони 2,3 донани, умумий дон сони 72,2 донани, 1 та ўсимликдаги дон вазни 9,2 г ни, 1000 дон дон оғирлиги 123,1 г ни, Ойжамол навида эса бу кўрсаткичлар тегишлича 32,2 дон, 2,2 дон, 66,8 дон, 9,4 г, 132,4 г ни ташкил қилганлиги аниқланди.

5. Суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан кузги буғдойнинг 75-75-75%, сояда 70-75-65% бўлганда юқори дон ҳосили шаклланиши учун мақбул эканлиги кузатилиб, кузги буғдойнинг назорат Таня навидан ўртача 66,0 ц/га ҳосил олинган ва Вершина навидан назоратга нисбатан 3,5 ц/га, Калым навидан 3,2 ц/га, Андижон-4 навидан 1,2 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилган. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда Тўмарис навидан 26,8 ц/га ва Ойжамол навидан 27,0 ц/га дон ҳосили олинди.

6. Ўрганилган экин турларида 1 ц дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори бўйича энг кам кўрсаткич кузги буғдойда суғориш олди тупроқ

намлигини ЧДНС га нисбатан 75-75-75% белгиланганда олиниб, бунда назорат “Таня” навига нисбатан “Вершина” навида 4,9 м³/ц, “Калым” навида 4,8 м³/ц, “Андижон-4” навида 3,7 м³/ц камроқ бўлганлиги аниқланган. Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларида эса ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигида “Тўмарис” навида 81,3 м³/ц, “Ойжамол” навида 86,4 м³/ц бўлганлиги аниқланди.

7. Суғориш олди тупроқ намликларини кузги буғдойда ЧДНС га нисбатан 70-70-70% дан 75-75-75% ва 80-80-80% гача ортиши натижасида, дон таркибидаги клейковина ва оксил миқдори камайиб борганлиги кузатилиб, суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-70-70% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг назорат “Таня” навига нисбатан “Вершина”, “Калым” ва “Андижон-4” навларида тегишлича клейковина 0,7 %, 0,5%, 1,0% га, оксил миқдори 0,8%, 1,0%, 1,4% га юқори бўлганлиги аниқланди.

8. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% белгиланган 2 вариантда соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларида дон ҳосили тегишлича 25,6, 25,1 ц/га ни, мойдорлик даражаси 25,4, 23,4% ни ташкил қилгани. аниқланиб. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га 65-70-65% белгиланган 1 вариантга ва 75-80-70 % белгиланган 3 вариантга нисбатан дон ҳосили тегишлича Тўмарис навида 4,9, 2,2 ц/га, мойдорлиги 0,8, 0,7 % га, Ойжамол навида дон ҳосили 5,1, 2,3 ц/га, мойдорлиги 0,8, 0,6 % га камайганлиги аниқланди.

9. Кузги буғдой бўйича олиб борилган тадқиқотларда энг юқори рентабеллик кўрсаткичи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% да парваришланган 2 вариантда кузатилиб кузги буғдойнинг назорат “Таня” навида энг кам 50,5% рентабеллик кузатилиб, “Вершина” “Калым” ва “Андижон-4” навларида тегишлича назорат вариантга нисбатан 8,0%, 7,4% 2,8% рентабеллик юқори бўлганлиги аниқланди.

10. Соя бўйича олиб борилган тадқиқотларда энг юқори рентабеллик кўрсаткичи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га 70-75-65% белгиланган 2 вариантда кузатилиб, соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларида тегишлича 98,4, 91,6 % бўлганлиги аниқланиб, бу кўрсаткичлар суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га 65-70-65% белгиланган 1 вариантга ва 75-80-70 % белгиланган 3 вариантга нисбатан тегишлича Тўмарис навида 49,9, 30,2 %, Ойжамол навида 46,5, 29,7 % юқори бўлди.

11. Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг Вершина, Калым ва Андижон-4 навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 75-75-75% тартибда, суғоришни 1-2-1 тизимда ўтказиш, мавсумий суғориш меъёрини гектарига 2250-2380 м³ белгилаш;

такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-75-65% тартибда, суғоришни 1-2-1 тизимда ўтказиш, мавсумий суғориш меъёрини гектарига 2150-2270 м³ белгилаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

ХУСАНОВ САРДОРБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**ИЗУЧЕНИЕ РЕЖИМА ОРОШЕНИЯ НОВЫХ СОРТОВ ОЗИМОЙ
ПШЕНИЦЫ И ПОВТОРНО СЕЮЩЕЙСЯ СОИ НА ЛУГОВЫХ ПОЧВАХ
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Qx199.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Шамсиев Акмал Садирдинович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Норкулов Усманкул**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Хасанов Махсуд Марифович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Андижанский институт агротехнологии и сельского хозяйства.**


Защита диссертации состоится «25» 05 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета **DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01** при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № 103). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.


Автореферат диссертации разослан «3» 05 2021 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «3» 05 2021 года.)




Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор


Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор


Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

